

Жаҳонгир қори Неъматовнинг «30 пора Қуръони Карим тиловати» аудио диски сотувга чиқарилди



10:15 / 12.04.2022 3764

Тошкент ислом институти Таҳфизул Қуръон кафедраси мудирини, устоз Жаҳонгир қори Неъматовнинг «30 пора Қуръони Карим тиловати» аудио диски сотувга чиқарилди.

Ушбу диск Қуръонни таълим олувчилар учун қўлланма бўлиб, унда Қуръони Карим тезликнинг «таҳқиқ» даражасида ўқилган.

Тиловатда ҳарфларнинг махраж ва сифатларига алоҳида эътибор берилган.

Ижозага эга бўлган юртимиз қориларидан бир нечталари кўригидан ўтиб, омонат юзасидан Миср диёрининг улуғ шайхлари ҳам мукаммал ҳолда тўла эшитиб чиқиб, тарқатиш учун ижоза берган.

Аллоҳнинг изни билан ҳижрий 1441 (2020) йил жумадул аввал ойининг 29 санаси жума кунда бошланиб, ҳижрий 1441 йил шаввол ойининг 28 санаси жума кунда хатм тугалланди ва қорилар текшируви билан 1443 (2022) йил, рабиул охир ойининг 24 санаси душанба кунда тамомига етди.

Аллоҳ таоло барчаларимиз учун манфаатли қилсин. Ўзи қабул айласин.